

**ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ
САМАРАЛИ БОШҚАРИШ**

Кенжәева Барно Отабоевна

Тошкент давлат транспорт университети.

Катта ўқитувчи

Анотация

Бошқарув қарорларини қабул қилишда транспорт логистика. Хизматлари транспорти фаолиятини оптималлаштириш. Автотранспортда юкларни ташиш тизимида транспорт логистикасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услуги. Логистик молиявий оқим.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.


Мавзунинг долзаблиги. Транспорт компаниялари юкларни жўнатувчилар ва қабул қилувчилар транспорт хизматлари сифати (юкларни жўнатиш жадвалларига риоя қилиш, қўшимча хизматлар кўрсатиш, ер шарининг исталган нуқтасига юкларни етказиш) ни ошириш, халқаро юкларни ташишларда автотранспорт фаолиятини бошқаришнинг транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳамда автотранспортдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи илмий техникавий ва ижтимоий омилларга алоҳида эътибор беришлари зарур. Транспорт логистика хизматлари бозорини самарали бошқариш муаммолари қатор мутахассислар томонидан, айниқса бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда тадқиқ қилинган.

Бошқарув қарорларини қабул қилишда транспорт логистика хизматлари бозорини самарали бошқариш ҳисобига юкларни ташишда автомобил транспорти фаолиятини оптималлаштиришни қатор масалаларини тадқиқ қилиш ва уларни ечимини топиш ҳозирги вақтда ҳам долзарбdir. Биринчи навбатда юкларни ташишни бошқаришнинг транспорт-логистика тизимини кенгайтириш, такомиллаштириш ва уни баҳолашнинг илмий услугий асосларини яратиш ҳамда ички ва ташқи ташишларда транспорт фаолиятини оптималлаштириш, транспорт бозори фаолиятини баҳолаш, логистик тизим шароитларида автотранспортда юкларни ташишнинг оптимал ҳажмини аниқлаш,

автотранспортда юкларни ташиш тизимида транспорт логистикасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услуби ва услубиётини ишлаб чиқиш масалаларига таалкуклидир.

Логистикани бошқариш фан сифатида тадқиқ қилишнинг объекти моддий, ахборот, молиявий ва сервис оқимлар ва бошқа омиллар ҳисобланади. Оқим ўзида вақт бирлиги ичида ва аниқ давр учун абсолют бирлик бўлиб ўлчанувчи жараён сифатида бир бутун деб қабул қилинувчи обьектлар ҳисобланади. Моддий, молиявий, ахборот ва сервис оқимларга логистик тизимнинг ажралмас бўлаги сифатида қаралади.

Оқим бу бир тизимнинг мукаммал ишлаши учун ҳаракат қилувчи ва шу тизимни тўлдирувчи воситадир.[30].



1-расм. Материаллар оқимнинг логистика доирасида тарқатиш ва сотиш вазифаларни амалга оширишдаги таъсири.

✓**Оқим элементларининг жойлашиш характеристи бўйича:**

1. Тенг ўлчамли – объектларнинг жойлашиш тезлигининг доимийлиги билан характерланади, объектларнинг бошланғич ва охирги ҳаракат интерваллари тенг бўлади.


2. Нотекис ўлчамли – жойлашиш тезлиги ўзгаради, бунда тезланиш, секилашиш, йўлда туриб қолиш, жўнатиш ва етиб келиш оралиқлари ўзгаради.

Оқимларнинг турланишига сабаб бўлувчи, уларни турларга қўра тавсифловчи асосий қўрсаткичлар қўйидагилар хисобланади: бошланғич пункт; охирги пункт; ҳаракат траекторичси; йўл узунлиги; ҳаракат вақти; тезлик; оралиқ пунктлар; жадаллик; интерваллар ва бошқалар.

Фирмаларда моддий оқимни бошқариш тизими остида барқарор алоқа мослашувининг 2 та асосий йўналишини ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш турли хил иқтисодий механизмлар ривожланиши хисобига турли функционал бўлимлар ўртасида ўзаро таъсирни тезлаштиришдир.

Иккинчи йўналиш корпорациялар таркибида ташкилий ўзгаришлар орқали коорпорация зарурий даражасининг ривожланишидир. Бу йўналишлар, қоидага қўра, параллел равишда ривожланади ва бир-бирини тўлдириб боради.



2-расм. Логистика ахборотлари тизими сифатига таъсир қилувчи омиллар

Логистик молиявий оқим – бу маълум материаллар оқимининг самарали ҳаракатини таъминлаш учун зарур бўладиган логистик тизим ва ташқи муҳит орасида логистик тизимда айланувчи молиявий маблағларнинг йўналтирилган ҳаракатидир.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги вақтда амалий ҳолда халқ хўжалигида кучли ва самарадорлиги юқори даражада бўлган инфраструктура ривожланмоқда. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, унинг бақарор иқтисодий ўсишини таъминаш ва янги ички маҳсулотнинг оқилона таркибини

шакллантириш, хўжалик субъектларининг фаоллигини оширишда эркин иқтисодий зоналар ва логистик хизматлар бозоридан кенг қўламда самарали фойдаланиш тақазо этилади. Транспорт- логистик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш қуввати тушунчасига аниқлик киритиш бу қувватни ривожлантириш ва унга асосан транспорт-догистика бозорида фаолият юритиши мумкин бўлган субъектлар сони ва уларни оқилона жойлаштириш масаласига ойдинлик киритишга ёрдам беради

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: / REFERENCES:

1. Таможенный кодекс Республики Узбекистан – Т.: Адолат, 2000.
2. Закон Республики Узбекистан от 14 июня 1991г. «О внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан».
3. Э.А.Солиев, Ж.Р.Қульмухамедов, Ф.Р.Мирзаев, О.К.Адилов, Х.А.Миргиясов, К.М.Назаров “Транспорт логистика асослари” ўқув қўлланма 2013 й
4. Shakirova, F. B. (2022). ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 68-81.
5. Sattorova, S. B., & Shakirova, F. B. (2022). TRANSPORT KORXONALARIDA AN'ANAVIY VA INNOVATSION MARKETINGNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *Scientific progress*, 3(6), 102-105.
6. Shakirova, F. B. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЯЛАРИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 86-96.
7. Шакирова, Ф. Б. (2022). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ. *Scientific Impulse*, 1(2), 382-390.
8. Shakirova, F. B. (2022). ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 68-81.
9. Jaxbarovich, A. A., Lutfullayevna, F. M., & Baratovna, S. N. (2022). OB'YEKTNING JORIY NARXDAGI SMETASI TARKIBIDAGI TO 'G 'RI HARAJATLARNI HISOBBLASH YO 'LLARI. *Journal of new century innovations*, 18(5), 243-248.
10. Jaxbarovich, A. A., & Baratovna, S. N. (2022). BOSHQARUVNI SAMARALI TASHKIL ETISH MAQSADIDA KO 'CHMAS MULKNI

BAHOLASHNI TAKOMILLASHTIRISH YO ‘LLARI. *Journal of new century innovations*, 17(1), 29-33.

11. Jaxbarovich, A. A., & Baratovna, S. N. (2022). BOSHQARUVNI SAMARALI TASHKIL ETISH MAQSADIDA KO ‘CHMAS MULKNI BAHOLASHNI TAKOMILLASHTIRISH YO ‘LLARI. *Journal of new century innovations*, 17(1), 29-33.

12. Jaxbarovich, A. A., & Baratovna, S. N. (2022). BOSHQARUVNI SAMARALI TASHKIL ETISH MAQSADIDA KO ‘CHMAS MULKNI BAHOLASHNI TAKOMILLASHTIRISH YO ‘LLARI. *Journal of new century innovations*, 17(1), 29-33.

13. Абдуллаев, А. Ж. (2022). ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТИ ҚИЙМАТИНИ ШАРТНОМАВИЙ-ЖОРИЙ НАРХЛАРДА ҲИСОБЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 18(5), 239-242.